

Янги Конституциядаги ўзгаришлар ва имкониятлар



Янги Конституция мамлакатни янада демократлаштириш, судьяларни, маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш ва маҳаллий ҳокимият тармоқларини ажратишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Президентимиз урғу бериб қайд этганидек, янги Уйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, унинг ҳал қилувчи омилларида бири дунёга очиқлик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлилигидир. Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очиқлик ва ташқи алоқаларнинг ҳамма йўналишини бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас.

Иқтисодий нуқтаи назардан янги Конституциянинг вазифаси хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аграр ислоҳот учун ҳуқуқий шарт-шароит яратишдан иборат.

Шунингдек, Конституция номарказлаштиришни, жумладан, солиқ сиёсатини давом эттириш, давлат бошқаруви тизимини амалга ошириш, бюджет сиёсатини шакллантириш ва амалга татбиқ этиш, ҳудудлар мустақиллигини ошириш, ички ва ташқи инвестицияларни рағбатлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши лозим.

Маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият функцияларини қайта тақсимлаш, давлат аппаратини кескин қисқартириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Давлат хизматчиларини танлашнинг рақобат тизимини жорий этиш жуда зарур.

Президентимиз таъкидлаганидек, юқори ва ўрта даражадаги кадрлар тайёрлаш даражаси етарли эмас. Кадрлар томонидан ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, зарурлиги, стратегик мақсад ва вазифаларини чуқур англаш бўйича тизимли ишларни кучайтириш муҳимлиги янги Конституцияда ўз аксини топган.

Биз ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз. Конституция юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, давлатнинг Асосий қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, жамият ва давлат ҳаётининг, давлат органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий

принципларини мустаҳкамлайди. Шу сабабли жамиятдаги барча ҳуқуқий ҳаёт ва юридик амалиёт, шу жумладан одил судлов амалиёти конституциявий қоидалар асосида шаклланади.

Конституция халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Унда жамият тараққиётига туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Конституцияда мужассамлашган мафкура жамиятни, халқни муайян мақсадлар сари етаклайди, уларни уддалаш учун сафарбар қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, халқимизнинг истиқлолга, эркинликка бўлган интилишини, миллий ахлоқий-маънавий қадриятларини акс эттирган ҳамда уларни жамият онгига, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга хизмат қилади.

Янги конституция умумхалқ муҳокамасида келиб тушган кўп сонли таклифларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. У халқаро стандартларга, энг муҳими, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, Янгиланган Конституцияда алоҳида модда ёшлар ҳуқуқларига бағишланган. Унга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Конституциявий қонунга мувофиқ олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар олиб бориш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилиши ҳам қувонарлидир. Олий таълим тизими билан боғлиқ масалаларнинг Конституция даражасида белгиланаётгани олий таълим жараёнига ташқи аралашувларни чеклаш, олий таълим сифати ва дунёда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Сурхондарё вилоят суди судьяси: Д.У.Алмуратова